

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

|  |    |
|--|----|
| <b>Қ.Юлчиев</b>  |    |
| Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы .....   | 77 |
| <b>Г.Орипова</b>   |    |
| Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар ..... | 82 |
| <b>А.Акбаров</b>   |    |
| Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир .....           | 87 |

## ТИЛШУНОСЛИК

|  |     |
|--|-----|
| <b>Ш.Турғунов</b>  |     |
| Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары .....           | 92  |
| <b>А.Бердиалиев</b>  |     |
| Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар ..... | 96  |
| <b>М.Абдулаттоев, С.Зокирова</b>   |     |
| Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни .....                       | 101 |
| <b>Д.Ашуров</b>  |     |
| “Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары .....      | 104 |

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|  |     |
|--|-----|
| <b>Д.Саимназарова</b>                              |     |
| Чет тилда матнны идрок этиб тушуниш хусусыда ..... | 108 |
| <b>А.Асимов, М.Ғофурова</b>                        |     |
| Масаланыннг қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш .....  | 111 |

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

|  |     |
|--|-----|
| <b>Т.Шадманов</b>  |     |
| 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларыдан бири сифатыда ..... | 115 |
| <b>С.Маннопов, А.Қамбаров</b>  |     |
| Фаргона-Тошкент мақом йўналышынинг фалсафий масаласыга доир .....  | 118 |
| <b>С.Содиқов</b>   |     |
| Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларнинг ривожланышы .....   | 120 |
| <b>Н.Усмонов</b>   |     |
| Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш .....   | 123 |
| <b>Н.Маҳмудова</b>   |     |
| Исломий қоидаларнинг бадий талқины .....   | 126 |
| <b>Ж.Дилмуродов</b>  |     |
| А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары .....                       | 128 |
| <b>Н.Эргашева</b>  |     |
| Инглиз тили Америка варианты грамматикасынинг айрим хусусиятлары .....   | 130 |
| <b>Н.Хошимова</b>  |     |
| Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллары .....  | 134 |
| <b>Р.Абдуллаева</b>  |     |
| Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияты .....   | 137 |
| <b>Л.Тешабоева</b>   |     |
| Ўзбек ва инглиз адабиётыда рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлары .....   | 140 |
| <b>Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова</b>   |     |
| Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышнинг аҳамияты .....   | 142 |
| <b>Д.Абдурахмонова</b>   |     |
| “БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимасы хусусыда .....  | 145 |

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

|                          |     |
|--------------------------|-----|
| <b>Фидоий олим</b> ..... | 148 |
|--------------------------|-----|

## БИБЛИОГРАФИЯ

|                           |     |
|---------------------------|-----|
| <b>БИБЛИОГРАФИЯ</b> ..... | 150 |
|---------------------------|-----|

## ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ХРОНОТОПНИНГ РИВОЖИ

Қ.Юлчиев

## Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётида хронотопнинг мавжудлиги ҳақида сўз юритилади. Унинг тарихий илдизлари халқ оғзаки ижоди ва қадимги туркий битиклардан бошланади. Воқеликни бадиий идрок этишда ижодкорлар ўз даврида оламни уч ўлчамли дунё сифатида қабул қилишган, бунда хронотопни реал ва ирреал турларга ажратиш мумкинлиги исботланган.

## Аннотация

В данной статье речь идет об историческом развитии хронотопа в узбекской литературе. Корни лирического хронотопа в узбекской литературе уходят глубоко в народное устное творчество и древнетюркские письмены. Художники слова разных эпох отличались восприятием окружающего их мира в трехмерном измерении, при этом доказана возможность деления хронотопа на реальный и ирреальный виды.

## Annotation

The article considers the chronotopy of Uzbek literature. Its historical roots begin with folklore and ancient turkish writers. In the artistic perception of creativity, creators have been able to perceive the universe as a three dimensional world in its time, it is proved the possibility of division of chronotop into real and non-verbal types.

**Таянч сўз ва иборалар:** фольклор, мақол, образ, ғазал, матн, хронотоп, Кул тигин, Билга ҳоқон.

**Ключевые слова и выражения:** фольклор, поговорка, образ, газель, текст, хронотоп, Кул тигин, Билга хакан.

**Keywords and expressions:** folklore, proverb, image, gazelle, text, chronotop, Kul tigin, Bilga hakan

Борлиқдаги ҳар бир нарса, ҳодиса ёки воқеани англашда аниқ вақт ва макондан фойдаланиш, унга муносабат билдириш инсоният тафаккури тарихи билан узвий боғлиқ. Платон ҳам олам ва ундаги макон, замонга оид мулоҳазаларини дастлаб куйидаги икки турга ажратади: 1) идрок этиладиган олам ва 2) кўринадиган олам [1,287]. Борлиқни бадиий идрок этиш ва уни ифодалашда замон ва маконга мурожаат қилиш, оламни қисмларга ажратиб қабул қилиш ўзбек халқ поэтик ижодида, мумтоз адабиётида ҳам учрайди. Масалан, *Дўст сафарда синалар* [2,481] мақолидаги “сафар” хронотопида субъектнинг паремик фикрини исботлаш вақти ва макони ифодаланган. *Тоққа чиқсанг, товонингга қараб чиқ* [2.450] мақолидаги “тоққа чиқсанг” ибора ҳам вақтни, ҳам маконни ифодалаб, афористик хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, йил фасллари, ҳафта кунлари, аниқ вақт-соатларни ифодаловчи қатор мақоллар ҳам борки, улар орқали халқ оғзаки ижодидаги реал хронотопнинг хусусиятларини текшириш мумкин.

Халқ кўшиқларидаги жой ва вақтни билдирувчи сўз, жумла ва иборалар ўзининг субъективлик хусусиятига кўра лирик шеъриятга яқин келади:

Биз Қашқардан чиққанда,  
Ўрдалари бўш қолди, ёро,  
Қашқар деган шаҳрингда,  
Ёрим, қора қош қолди [3,10].

Мазкур парчадаги “Қашқардан чиққанда” жумласи хронотоп вазифасида келиб, лирик субъект яшаган макон, яъни лирик ҳаракат бошланган нуқта ва ундан чиқилган вақтни билдиради. Кейинги мисраларда эса лирик субъектнинг ички оламини ифодалаб, ўзига хос руҳий параллелизмни намоён этган. Реал хронотоплар мисолида бундай усулларнинг қўлланишни машҳур халқ кўшиқларининг кўпларида учратиш мумкин:

Дарё тошқин сувлар тўлқин ўтолмайман, ёр-ёр,  
Отим ориқ манзилимга етолмайман, ёр-ёр.  
Отгинамни ориқ қилган шу майда тош, ёр-ёр,  
Рангинамни сариқ қилган шу қаламқош, ёр-ёр.

Бу ерда сув ва унинг кўпайган пайти хронотоп вазифасида келиб, у лирик субъект руҳиятидаги кечинмалар билан ўзаро мувофиқликда унинг дарду ҳасратини ҳам ифодалайди. Демак, халқ мақол, кўшиқларида хронотоп ўзига хос бадиий-эстетик функцияни бажариб, асарнинг бадиий етуқлигини ҳам таъминлайди.

Халқ оғзаки ижодидаги вақт ва макон бирлиги масаласи ёзма адабиётга ҳам кўчган. Масалан, Катта “Кул тигин” тошбитиги шундай бошланган: “Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда, иккисининг ўртасида инсон болалари пайдо бўлган” [4,48]. Гапнинг биринчи қисми (“юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда”) замонни, иккинчиси (“иккисининг ўртасида”) эса маконни ифодалайди. Худди шундай хронотопларни “Билга ҳоқон” битигида

Қ.Юлчиев – ФарДУ докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ҳам учрайди: "... отам турк доно ҳоқони тахтга ўтирганда, тўққиз ўғуз қаҳрамонлари, машҳур беклари ва унинг халқи... турк илоҳи давлатим узра ҳоқон бўлиб ўтиришимга орзуқманд турк беклари..." [4,58-59]. Мазкур парчада ҳам турк давлатчилиги бошланган вақт ва макон ҳақида сўз юритилади. Демак, ўзбек адабиёти тарихида хронотоп мавжуд бўлиб, у борлиқни англашнинг ўзига хос категорияси сифатида шакл ва мазмун бирлиги, образ ва образлилик, анъана ва новаторлик, композиция каби ўзак масалалар қаторида туради.

Платоннинг юқоридаги фикридан келиб чиқиб, лирикада хронотопни иккига ажратиш мумкин: 1) кўриладиган хронотоп (реал хронотоп) – бунга лирик субъектнинг ташқи борлиқни тўғридан тўғри ифодалаш билан боғлиқ жараёндаги хронотоплар қиради. Хронотопнинг мазкур тури кўпроқ эпик ва драматик турда учрайди; 2) идрок қилинадиган хронотоп (ирреал хронотоп) эса субъектив оламда яратилган ички мавжудлик бўлиб, уни лирик шеърятдаги субъектив макон ва вақтга нисбатан қўлланиш мумкин. Масалан, мумтоз шеърятда, айниқса, Алишер Навоий ижодида ирреал хронотопни кўплаб учратиш мумкин. Масалан:

Ҳар кун ақшомға ҳажрингда менга зорлиғ иш,  
Кеча тонг отғуча андуҳ ила бедодлиғ иш. [5,237]

Байтда “ҳар кун ақшомға”, “кеча тонг отғуча” жумлалари аниқ вақтни ифодалайди. Яъни, лирик субъект кундуз кунлари оқшомгача, кечалари эса тонггача маъшуқасининг ҳажрида зор, андуҳ чекиши таъкидланган. Яъни, лирик субъект ўзининг дардини баён қилар экан, воқеликни аниқ вақт ва маконда тасвирлайди. Лекин бу хронотоплар насрий асар ёки дostonдаги каби реалроқ эмас, балки нисбатан субъектив ҳисобланади. Қуйидаги ғазалда ҳам буни кузатиш мумкин:

Ҳажрим ҳар дам мени бевахму бок айлар ҳалок,  
Гар мунга розидур ул хунрез бебоким не бок. [5,286]

Байтда “ҳар дам” бирикмаси замонни англатиб, ҳажр мени ҳар дам ҳалок қилади, дея кўрсатилмоқда.

Алишер Навоий лирикасида тонг, йўл, даҳр, кеча, тун, олам каби хронотоплардан самарали фойдаланилган. Лирик субъектнинг кечинмалари ўқувчи кўз ўнгида аниқ замон ва маконда намоён бўлади. Шоир турли лирик кечинмаларни қуйлар экан, лирик субъект ички оламини имкон даражада аниқроқ, конкретроқ тасвирлашга ҳаракат қилади. Бунда лирик воқеликни аниқ хронотоп ёрдамида ифодалайди. Турли бадий санъатлар ҳам аниқ замон ёки макон чегарасида ишлатилади. Масалан:

Ҳажринг кунин бир йилчаву ҳар соатин бир ойча бил,  
Ҳайрат маҳалли бўлмағай ўн икки ой гар бўлса йил[6,266].

Мазкур матлаъда лирик субъект вақт тушунчалари остида ўз ҳолатини ифодалар экан, муболаға санъатидан фойдаланган. Ҳажрда ўтган бир кунни бир йил, ҳар соатин ойча деб бил, гар уни кутиш вақтидин ўн икки ой, яъни йил бўлса-да, қалбга ҳайрат солмагунча ҳайрат вақти бўлмайди. Бу ерда висол хронотопи орқали лирик субъект кечинмаси тасвирланган.

Бобур лирикасида ҳам ботиний замон ва ботиний макон анча мустаҳкам пойдеворга эга бўлиб, анчайин аниқроқ ва конкретроқдир. Масалан:

Ёз бўлди-ю бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ўл кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи [7,29].

Байтдаги “ёз бўлди”, “қишу ёзи” иборалари хронотоп сифатида лирик субъект англаган ва тасвирлаётган воқеликнинг аниқ вақт ва маконда тасвирлаган. Кейинги байтда эса лирик субъектнинг кечинмалари, структур топосдаги бошқа деталлар ифодаланган.

Мумтоз шеърятимизда хронотопнинг реал қўлланишига мисол сифатида қуйидаги ғазалини келтириш мумкин:

Рамазон ойида ҳар кимда фарвон ҳожат,  
Элгадур шамъ, менга дийдаи гирён ҳожат.[8,31]

Ғазалнинг охиригача “рамазон ойи”, “шом”, “эл”, “кеча”, “хаёл”, “мақом” каби хронотоплар орқали лирик субъектнинг кечинмалари, ошиғини кутишдаги изтироблари, ёрқин орзулари бериб борилган.

Демак, ўзбек адабиётида лирик хронотоп мавжуд бўлган. Уларни ўз моҳиятига кўра реал хронотоп ва ирреал хронотопга ажратиш мумкин. Лирикадаги хронотоп кўпроқ ирреал хронотоп бўлиб, у шакл ва мазмун бирлиги каби адабий асарнинг ажралмас қисми сифатида қадимдан мавжуд, дейишга асос бор.

Ҳозирги ўзбек шеърятинида ҳам хронотопдан фойдаланиш анча фаол бўлиб, шоирлар ўзлари идрок этган оламнинг бадий нусхасини уч ўлчамли олам сифатида берадилар. Натижада ўқувчи шеър мазмунини яхши англайди. Мисол учун, А.Ориповнинг “Тун” шеърини кузатамиз[9,85]:

Ташқарида ёмғир шивирлайди жим.  
Кўрингай на чироқ ва на бир зиё.  
Гўё деразамни чертар аллаким,  
Босиб кела бошлар қандайдир рўё.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шоир аниқ бир маконни ифодалар экан, “матндаги персонажлар (бу ерда лирик қаҳрамон – Й.Қ.) атрофидаги нарса ва буюмлар тасвири ортида макон муносабатлари тизими, макон структураси (структур топос)ни шакллантиради. Бундай ҳолда бадий континуум (замон ва макон бирлигининг яхлитлиги)да (лирик –Й.Қ.) персонажларни жойлаштириш ва ташкиллаш тамойилида макон структураси бошқаларни ифода қилувчи тил сифатида бўлади. Бадий маконнинг матндаги моделлаштирувчи алоҳида ўрни шу билан боғлиқдир” [10,196]. Натижада дастлаб ташқари, ёмғир, тун, дераза каби хронотопик деталлар ёрдамида лирик қаҳрамон атрофидаги умумий ҳолатни чизади. Дастлабки икки мисра лирик қаҳрамон кечинмаси ҳаракатининг экспозицияси сифатида ўқувчи-қаҳрамон ёки ўқувчи ва матн муносабатларини юзага келтиради.

Шеър бадий матн сифатида ташқи макон ва замонни ҳам ифодалайди. Бу, аввало, кечинма табиатидаги эврилишда яққол кўринади. Аввалги бандда лирик қаҳрамон ташқарини, ёмғир ёғишини, чироқ ва зиё йўқлигини тасвирлар экан, уларнинг барини эмас, балки қалбидаги қўрқувни ифодалашга етарли ва керакли сўзларни беради. Бу ерда кечинма оддий ҳолдек туюлади. Бироқ “чертилган дераза” замон белгисидан сўнг кечинма табиатидаги кескинлик ортмоқда. Бу, қуйидаги мисраларда берилган:

Ўзимни тўшакка отаман шу он.  
Ўраниб оламан ваҳима ичра.  
Қоронғи йўлакда шитирлар хазон,  
Кимдир деразамдан кетмайди сира.

Бу ердаги вақт аввалгисининг давоми сифатида бўлиб, фақат маконий деталларга янгилари келиб қўшилади. Булар “тўшак”, “йўлак” ва яна “чертилган дераза”дир. Муаллиф мазкур сўзларни қўлар экан, уларнинг маъносидаги аниқлик, конкретликдан кўра, шеър мазмунидаги мавҳумликни кучайтиришга кўпроқ эътибор беради. Бу эса қаҳрамоннинг турли ҳаракатлар қилишига сабаб бўлади. Яъни, тўшакка ўралишга, шитирлаган хазонга диққат қилишга, деразадан қўрқишга каби хронотоплардан олиб ўтмоқда. Демак, у ҳаракатланмоқда. “Маълумки, кенг маънода “ҳаракат” сўзи вақт бирлиги давомида кечувчи ҳар қандай жараёни англатади. Сўзнинг биз ишлатаётган махсус маъноси ҳам шунга яқин: “ҳаракат” истилоҳи остида персонажларнинг макон ва замонда кечувчи хатти-ҳаракатлари ҳам, руҳиятидаги ўй-фикрлар, ҳис-кечинмалар ривожи ҳам тушунилади” [11,101-102]. Парчада лирик кечинманинг аниқ номи ваҳима эканлигига эътибор берилмаяпти. У ҳали қаҳрамон вужудида, бироқ унинг аниқ тасвири берилмайди. Ваҳоланки, маконий структура талаби билан кечинма аниқ қиёфа ёки образга киради. Шунингдек, дераза детали ҳам такрор келиб, мавҳумликнинг ортишига катта ҳисса қўшган. Бу мавҳумлик ортида алланечук, ҳали номаълум бўлган мавжудлик яширин. Уни тусмоллаш билан эса моҳиятини билиш дегани эмас. Шунинг учун аниқ маконда кечинманинг эврилиш жараёни жуда кичик деталларигача аниқ макон ўтиб боровчи замон билан яхлитликда тасвирланган:

Чироқни ёқаман бетоқат бориб,  
Гўё ваҳималар бўлади абас.  
Ёмғир ялтирайди нурда оқариб,  
Тасалли чулғайди дилни бир нафас.

Мазкур ўринда лирик кечинмага дахл қилаётган мавҳумлик бироз чекингандек туюлади. Аввалги қоронғи ва бироз ваҳимали кечинма четга сурилади. Шу ўринда ҳаётдаги азалий кураш, тирикликнинг барча мавжудлик белгилари, жумладан, нур ва зулмат кураши аниқ макон ва замонда юз беришини таъкидлаш лозим. Мазкур ўринда аввалги ўринларда лирик қаҳрамонни босиб келаётган зулматни ёруғлик маълум чегарагача қувади. Бироқ, уни батамом йўқотолмайди:

Липиллаб сўнади чироқ ҳам охир,  
Қайдадир шовуллаб эгилади тол,  
Кимдир ташқарида энтикар оғир,  
Бирдан деразамни қоплайди хаёл.

Шоир ўз бадий оламидаги ҳолатни тасвирлар экан, ички кечинмасини лирик сюжет сифатида олади ҳамда уларни аниқ вақт бўйлаб ҳаракатлантиради. Натижада вақт лирик субъектнинг ботиний маконида ҳаракатланади.

Рус олими Ю. М.Лотманнинг ёзишича, муаллиф матнни бир вақтнинг ўзида бир неча кодлар тизимида ишловчи қилиб куради. Ундаги ҳар бир янги қисм хотирада аввалдан мавжуд кодни “тирилтириши”, улар призмасидан ўтиши, мазкур икки томонлама муносабатдан янги маъно-моҳият қасб этиши ва матннинг гўёки олдиндан маълум маънога эга қисмига янги маъно бериши керак. Ўқувчи бадий матнга хабар берувчи оддий нутқ, деб қарашга мойил бўлиб, ҳар бир лавҳадан маълум ахборотни ажратиб оларкан, бу билан, аввало, алоҳида-алоҳида ҳодисаларни композицион қурилиш ва вақт бўйлаб мантиқий изчилликда жамлайди [10,251]. Масалан, “Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар, Тонг отмоқда, қуёш – замбарак. Яраланган Ер шари ётар, Бошларида яшил чамбарак” [12,36]. Мазкур шеърда муаллиф дастлаб “тонг” ва “отмоқ” сўзларини махсус код сифатида уч марта

кўллади ва ҳар гал уларнинг янги маъно-моҳиятини очиб боради. Бу эса ўқувчи онгида(макон) ҳам маълум вақт ичида бир бутун лирик композиция сифатида намоён бўлади. “Соф санъат”нинг бадиий таъсири чиройли шакллар – чизиқ ва ранг, товуш ва ҳаракатлар ўйинига ўхшайди, ўзининг бадиий композиция, макон ёки замон бўйлаб мутаносиблик ва ритмининг соф шаклларини амалга ошириб, бизга маънавий завқ беради” [13]. Чунки унда лирик қаҳрамоннинг руҳидаги ботиний макон ва ботиний замон ташқи ҳиссий манбаларга бўйсунмайди. Балки ботиний макон ботиний замонда бизнинг тушунчамизга кўра қандай бўлишини хоҳласак, шундай кўрсатиб бермоқда. Демак, “бизга ҳаёт қандай эканлигини айтиб берувчи ёки кўрсатувчи ҳар қандай нарса гўзалдир” [14,403].

Бундан ташқари, ҳар қандай шеър бадиийлик парчаси сифатида, аввало, бадиий тафаккурда яралади. “Улар қандай фикр бўлишидан қатъий назар, бизнинг тажрибамизга киришиши учун қандайдир замон-макон ифодасини олиши, яъни эшитиладиган, кўриладиган белгили шаклга эга бўлиши керак. Бундай замон-макон ифодаси йўқ жойда, ҳатто ўта абстракт фикрнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, тафаккур кенгликлари томон ҳар қандай парвоз фақат хронотоп дарвозаси орқали бўлади” [15,257]. Демак, шоир қалбида туғилган ҳиссиёт ва онда яралган фикр уйғунлашиб, яхлит ҳолга келиши учун уларга замон ва макон зарур бўлади. Шундагина лирик композиция, лирик қаҳрамон, лирик кечинма ҳақида тўлароқ бадиий маълумот олиш мумкин. Худди қуйидаги шеърдаги каби:

О!.. Оламдан тўкилди гуноҳ!  
Оралаган боғларга санми –  
Гуллайсанми шунақа, Оллоҳ,  
Оллоҳ, шундай кўкарасанми? [16,361]

Айнан шу ўринда масаланинг иккинчи жиҳати ҳам очилади. Ҳар қандай бадиий матн, у хоҳ назм, хоҳ наср ёки драматик бўлсин, аввало, бадиий нуқт парчасидир. Нутқ эса ижроси, баёни, амалиёти учун маълум бир вақтни талаб қилади. Демак, лирик шеърдаги лирик қаҳрамон, лирик воқелик аниқ замон ва маконда юзага чиқади. Бироқ, “замон ва макон тушунчаларига тизилган бадиий асар кўпобразлилик ва теран мазмунга эга бўлади. Бунда вақтнинг биографик (болалик, ёшлик, балоғат даври, кексалик), тарихий (давр ва авлод, жамият ҳаётидаги улкан ўзгаришларига тавсифлар), космик (мангулик ва олам тарихи ҳақидаги тасаввурлар), тақвим (йил фаслларининг алмашилиши, байрам ва оддий кунлари), кеча-кундуз (кун ва тун, тонг ва оқшом), шунингдек, ҳаракат ва турғунлик, ўтмиш, бугун ва келajak мутаносиблиги ҳақидаги турлари юзага чиқади” [17]. Юқоридаги шеърда кеча-кундуз (тонг) ва тақвим (фасл алмашилиши) билан боғлиқ хронотоп лирик кечинманинг юқори ифодасини берганлигини кўрдик. Қуйидаги шеърда эса биографик хронотоп акс эттирилган:

Шундай кўз ўнгида хиёнат қилган хотини,  
Салтанат – тахтидан мангу қувилган султон,  
Роса юз йил томчи сувга ташна бўлган зот.  
Сочлари оқарган,  
Яраси қонаган овоз.[12,239]

Лирик матндаги шахснинг биографик маълумотлари метафорик тафаккур шакли сифатида замон парчаларини йиғиб, шеърдаги мазмун теранлиги ва кечинма табиатидаги ранг-барангликни таъминлаган. Натижада, шеърдаги бадиий вақт бир инсон умри қадар чўзилган.

Ҳ.Худойбердиеванинг “Бу – биз, ўзбеклар!” шеърида эса ўтмиш, айни замон ва келajak ўртасидаги мутаносиблик хронотоп сифатида олинган:

Боболар фаромуш, кўриб сиртмоқ, дор,  
Асрдан асрга ўтди юпун, эгик, хор.  
Сарсон шамоллар-да увлади зор-зор:  
Биз киммиз?  
Қонлар кўп тўкилди, энди келгай шон,  
Бугун, асрдан асрга, беармон.  
Кўздай Сарбон билан ўтгувчи қарвон.  
Бу – биз, Ўзбеклар! [18,277-278]

Лирик шеъриятдаги замон ва маконнинг бу каби турларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Муҳими бошқа – матндаги персонажлар (*лирик қаҳрамонлар* – таъкид бизники) атрофидаги нарса ва буюмлар тасвири ортида макон муносабатлари тизими, макон структураси (структур топос) юзага келади. Бундай ҳолда бадиий континуум (замон ва макон изчиллиги)да персонажларни жойлаштириш ва ташкиллаш тамойилида макон структураси бошқаларни ифода қилувчи тил сифатида бўлади. Бадиий маконнинг матндаги моделлаштирувчи алоҳида ўрни шу билан боғлиқдир” [10,196]. Шунинг учун ҳар қандай лирик шеър структурасида, аввало “замон ва маконни ифодаловчи бирликлар ёрдамида” [13,21] маълум бадиий вақт ва макон мутаносиблигини сақлаш лозим. Чунки лирик шеъриятдаги замон ва макон эпик хронотопдан фарқ қилади. Эпик вақт ва макон нисбатан секин ва кетма-кет ҳамда кенгроқ ифодаланса, лирик шеъриятдаги замон ва макон нисбатан тифиз, ҳиссиёт ва

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

метафориклик асосига қурилган бўлиб, кечинмага бой бўлади. Бунда замон ва маконни билдирувчи сўзлар бир нечта вазифани бажариши билан эпик хронотопдан фарқланиб туради. Масалан:

Қорлар ёғди. Қиздирди офтоб. Недир бахт деб  
сўрадим, бироқ ўзи билан овора бахтиёрлар  
бермади жавоб. Қорлар босди. Куйдирди офтоб.  
Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи  
овора бахтсизлар ҳам бермади жавоб [12,245].

Шеърдаги “қорлар ёғди”, “қиздирди офтоб”, “ўзи билан овора” каби сўз бирикмалари замон ва маконни ифодалайди. Натижада шеър матнидаги бадиий ғоя, муаммолар тизими конкретлашади. Шунингдек, улар метафорик фикрлаш тарзи сифатида шеърдаги лирик-фалсафий хулосанинг аввалги қисми билан боғланади.

Шунингдек, шеър структураси замон ва маконнинг икки хил кўринишини ўзида мужассам қилади. Биринчиси, ботиний замон ва ботиний макон бўлса, иккинчиси зоҳирий замон ва макондир. Бири шеърнинг ички кечинмаси табиати ва унинг ҳаракати билан боғлиқ бўлса, кейингиси бадиий матн структураси билан боғлиқдир. Биз юқорида келтирган хронотоплар ботиний замон ва ботиний маконни ифодалайди. “Бермади жавоб” хронотопи билан англаган вақт эса ташқи хронотопдир. Аввалгиси шеърдаги бадиий вақтга нисбатан анча оддий ва нисбатан умумийроқ бўлса, кейингиси нисбатан хусусийлик касб этган. Демак, лирик шеърятда бадиий вақтнинг умумийлик ва хусусийлик, ботиний ва зоҳирий каби қирралари ҳам мавжуд бўлиб, улар шеър бадииятини шакллантиришда асосий вазифани бажарган.

Рауф Парфидан келтирилган шеърдаги лирик қаҳрамон бадиий олам билан реал олам туташган чегарани англаб, уларни ажратиб бўлмаслигини, ана шу нуқтада инсон йўқолиб фақат овоз қолишини кўрсатган. У эса турли тарихий ҳодисалар билан ассоциацияга кириб, шеърдаги бадиий хронотоп доирасини кенгайтиради. “Бермади жавоб” хронотопада асрлар оша кулликка қарши, шахс эрки учун курашган умумий шахс турибди. Яъни, айнан ўша киши одамлардан жавоб ололмаганлигини англапти ва реал ҳолатни теран ҳис қилмоқда. Шу ерда лирик хронотопнинг реал хронотоп билан муносабатини ҳам кузатиш мумкин.

Умуман олганда, лирик шеърятда ҳам замон ва макон муаммоси мавжуд. Ҳар қандай лирик воқелик аниқ лирик макон ва замон доирасида ифодаланади. Шунингдек, лирик хронотоп ўзининг турли кўриниши ва хусусиятларига эгаки, бу, келгуси тадқиқотлар учун мавзу бўлади, деган умиддамиз.

## Адабиётлар:

1. Афлотун. Давлат: насрий дoston. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.
2. Ўзбек халқ мақоллари. Тўпловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1989.
3. Ўзбек халқ ижоди, қўшиқлар: Гулёр. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com).
4. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд.-Т.: Фан, 2003.
5. Алишер Навоий. МАТ: 20 томлик, 5 том. Хазойин ул-маоний, Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990. ; Алишер Навоий. МАТ: 20 томлик, 2 том. Наводур ун-ниҳоя. -Т.: Фан, 1987..
6. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2006.
7. Бобур шеърятидан. Тузувчи С.Ҳасанов. – Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1983.
8. Нодира. Эй сарви равон: ғазаллар. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992..
9. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т.: АСН, 2000.
10. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. [www.gumer.ru](http://www.gumer.ru).
11. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Т.: FAN, 2007.
12. Парпи, Рауф. Сайланма.-Т.: Akadernashr, 2013. -
13. Жирмунский М.В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.: Наука, 1977. [www.vusnet.ru/biblio](http://www.vusnet.ru/biblio)
14. Чернышевский Н.Г. Избранные сочинения. –М.: Художественная литература, 1989.
15. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Т.: Akadernashr, 2015.
16. Усмон Азим. Сайланма: шеърлар. –Т.: Шарқ, 1995. –
17. Хализев В.Е. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 1999 г. [www.philol.msu.ru](http://www.philol.msu.ru).
18. Худойбердиева Ҳ. Йўлдадирман: шеърлар. -Т.: Шарқ, 2006.

(Тақризчи: Х.Жўраев – филология фанлари доктори)